

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

НАБИЕВА НАРГИЗАХОН НАЗИРЖОНОВНА

MAGNIBRACTEOLATA СЕКЦИЯСИГА МАНСУБ АЙРИМ
ПОЛИМОРФ ГЎЗА ТУРЛАРИНИНГ ФИЛОГЕНЕТИК
МУНОСАБАТЛАРИ

03.00.09 – Умумий генетика

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Набиева Наргизахон Назиржоновна

Magnibracteolata секциясига мансуб айрим полиморф гуза турларининг
филогенетик муносабатлари3

Набиева Наргизахон Назиржоновна

Филогенетические отношения некоторых полиморфных видов хлопчатника секции
Magnibracteolata23

Nabiyeva Nargizaxon Nazirjonovna

Phylogenetic relationship of some polymorphic cotton species belonging to the section
Magnibracteolata43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works47

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

НАБИЕВА НАРГИЗАХОН НАЗИРЖОНОВНА

MAGNIBRACTEOLATA СЕКЦИЯСИГА МАНСУБ АЙРИМ
ПОЛИМОРФ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ ФИЛОГЕНЕТИК
МУНОСАБАТЛАРИ

03.00.09 – Умумий генетика

БИОЛОГИЯ ФАҒЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ



Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/BS24 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва "Ziyounet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аманов Бахтияр Хушбакович
биология факультети доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Қаҳҳоров Иззатулла Тилобович
қишлоқ хўжалиги факультети доктори, катта илмий ходим

Бобоев Сайфулла Гафурович
биология факультети доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Пахта селекцияси, уруғчилик ва етиштириш агротехнологиялари илмий таъқиқот институти

Диссертация химояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» ноябр куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: igebr_anguz@mail.ru).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (22 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Тел.: (+998-71)-264-23-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» октябр куни тарқатилди.
(2021 йил «28» октябр даги 46 рақамли реестр баённомаси)



А.А.Нариманов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

С.М.Набиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д.,
профессор

Ш.Юнусханов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кишлоқ хўжалигининг тобора ошиб бораётган талабларини қондириш, шу ўринда тезпишар, ҳосилдор, тола сифати ва чиқими юқори, касаллик, зараркунанда ва мухитнинг ноқулай омилларига чидамли гўза навларини яратиш ва наводорлигини оширишда *Gossypium* L. туркумига мансуб тетраплоид турларининг биохилма-хиллигининг ноёб генетик ресурсларидан рационал фойдаланиш муҳимдир. *Magnibracteolata* секциясига мансуб *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. туричи биохилма - хилликлари ва *G.darwini* Watt тури ирсий потенциалдан фойдаланиш бугунги кун пахтачилик соҳасидаги бир қатор долзарб муаммолари ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб янги гўза навларини яратишда *Gossypium* L. туркумининг тетраплоид турларининг дифференциал классификациясининг мунозарали масалаларини ҳал этиш, туричи биохилма - хилликларининг ўзаро филогениясини аниқлаш, бу кўрсаткичларнинг амалий селекцияда фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқлигини ҳамда алоҳида тур ва шаклларнинг қимматли хўжалик белгилари ва генофонднинг ҳали фойдаланилмаган манбаларини селекция лойиҳаларига жалб этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада туричи ва турлараро дурагайларида морфобиологик, жумладан хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, анатомик тузилишини аниқлаш ҳамда *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. туричи биохилма-хилликлари ва ёввойи *G.darwini* Watt турлардаги ноёб қимматли хўжалик белгиларни маданий навларга ўтказиш натижасида ирсий жиҳатдан бойитилган янги трансгрессив рекомбинант шаклларини олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб янги гўза навларини яратиш бўйича қатор илмий ишлар бажарилиб, амалга оширилган чора тadbирлар асосида пахтачиликда стресс омиллар таъсирига чидамли гўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... кишлоқ хўжалик экинларининг маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги селекция навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, гўза генофонди коллекциясида сақланаётган ёввойи, ярим ёввойи, маданий тропик шакллардан фойдаланиш, уларнинг биологик ва хўжалик белгиларини ҳамда генетик имкониятини тадқиқ қилиш асосида қимматли бошланғич манбаларни амалий селекция ишларига жалб этиш гўзанинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

янги навларини яратишга йўналтирилган фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон «Қишлоқ ва сув хўжалиги даалат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг - V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзанинг *Magnibracteolata* секциясига мансуб айрим полиморф турларининг филогенези ва эволюцияси масалаларини қатор маҳаллий ва хорижий олимлар (А.А.Абдуллаев, 1974; Д.Қ.Эрназарова, 2008; Б.Х.Аманов, 2010; Ф.У.Рафиева, 2017; J.E.Endrizzi, E.L. Turcotte, R.J. Kohel, 1985; P.A.Fryxell 1992; J.F.Wendel et al., 2003) тадқиқотларида ўрганилган. Жумладан, Б.Х.Аманов тажрибаларида (2010) туричи ва турлараро дурагайлаш, киёсий морфология, генетик таҳлил услубларини қўллаган ҳолда илк маротаба *G.barbadense* L. турига мансуб генетик хилма - хилликлари ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан филогенетик муносабатлари, олинган дурагайларнинг морфобиологияси ва улардан амалий селекцияда фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги янги маълумотлар олинган. D.R. Dejodie, J.F. Wendel (1992) *G.tomentosum* L., *G.mustelinum* L. ва *G.darwinii* Watt турларининг фотопериодик коллекциялари бўйича кўплаб изланишлар олиб борганлар. Бу ишларда *Gossypium* L. туркумининг ёввойи ва примитив турларининг кўпчилиги кун узунлигига таъсирчанликлари ва узун кун шароитида умуман гулдамасликлари, бу эса турли экзотик турлардан селекцион мақсадларда фойдаланиш учун имкон бермаслиги таъкидланган.

Тетраплоид турларда радиация, молекуляр генетик, цитогенетик ва анатомик услублари ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар ҳамда олинган натижалар Ф. Джаникулов (2002), М.Ф.Санамьян, Ш.У.Бобоҳўжаев (2019), Ф.Н.Кушанов (2017), Н.В.Грабовец (2017), J.E.Endrizzi, E.L.Turcotte, R.J.Kohel (1994), F.Liu et al. (2016) ва бошқа олимлар ишларида ёритилган.

Бироқ, *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро ва *G.darwinii* Watt тури билан чапиштиришдан олинган F_1 , F_2 ва F_1B_1 дурагайларида морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланши,

Ўзгарувчанлиги ва амалий селекция учун ахамиятини аниқлаш ва унинг асосида ирсий жиҳатдан бойитилган шакллар олиш бўйича санокли тадқиқотлар олиб борилган. Юқорида келтирилган маълумотлар ишнинг долзарблигини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқот натижасида *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. ва *G.darwinii* Watt турларининг ёввойи, ярим ёввойи, маданий - тропик кенжа тур ва шакллари генларини маданий навларга ўтказиш имконияти яратилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФА-Ф5-Т024 «*Gossypium* L. туркумининг полиморф турларининг туричи ва турлараро биохилма - хилликларининг филогенетик қариндошлик даражаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Magnibracteolata* секциясига мансуб айрим полиморф *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. турларининг туричи хилма-хилликларининг ўзаро ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан филогенетик муносабатларини аниқлаш ва янги ирсий асосга эга шакллар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

G.hirsutum L. ва *G.barbadense* L. туричи хилма - хилликлари ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан турлараро дурагайланиш даражасини аниқлаш;

бошланғич манбалар ва турлараро F_1 -ўсимликларида битта гулдаги чангдонлар ва битта чангдондаги чанг дончалар сони ва чанг ҳаётчанлигини таҳлил қилиш;

турлараро F_1 , F_2 ва F_1B_1 дурагайларида морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик хусусиятларини гибридологик таҳлил қилиш;

G.hirsutum L. ва *G.barbadense* L. туричи хилма - хилликлари ҳамда *G.darwinii* Watt турида уруғларининг тукланиш хусусияти ва эпидермал юзасини таҳлил қилиш;

полиморф *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларининг туричи хилма - хилликларининг ўзаро ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан филогенетик қариндошлик даражасини аниқлаш ва схемасини ишлаб чиқиш;

янги ирсий жиҳатдан бойитилган ва фойдали комплекс белги-хусусиятларга эга F_2 рекомбинантларини аниқлаш ҳамда амалий селекция тадқиқотларида фойдаланишга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *G.hirsutum* L. туричи хилма-хилликларидан *subsp.mexicanum* var.*nervosum* (Юкатан), *subsp.punctatum* (Мексика, Юкатан), *subsp.paniculatum* (Хиндистон), «Келажак» (Ўзбекистон) нави, *G.barbadense* L. турига мансуб, новвотранг толали

subsp. *rudérale* f. *parnat* (Перу), қизил пояли subsp. *vitifolium* f. *brasilense* (Бразилия), «Сурхон-9» (Ўзбекистон) нави ҳамда ёввойи *G. darwinii* Watt (Галапагосс ороллари) тури олинди. P.A. Fryxell (1992) ҳамда А.А. Абдуллаев, В.П. Клят (2006) системалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини гўзанинг *Magnibracteolata* секциясига мансуб айрим полиморф турларини ўзаро чагиштириш асосида олинган дурагай авлодларда морфобиологик ва хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ҳамда ўзгарувчанлик тахлиллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг услублари. Диссертацияда гўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, турлараро дурагайлаш, гибридологик тахлил, солиштирма морфология, фенологик кузатувлар ҳамда генетик - статистика тахлилларининг усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор турлараро дурагайлаш натижасида *G. darwinii* Watt тури филогенетик жиҳатдан *G. hirsutum* L. турига мансуб ёввойи subsp. *mexicanum* var. *nervosum* (Юкатан) шаклидан узоклиги, *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турининг рудерал ва субтропик шакллarga яқинлиги ва унинг маданийлашган турлар томон эволюциясининг тақомиллашаётгани аниқланган ва филогенетик схемаси ишлаб чиқилган;

subsp. *paniculatum* кенжа тури дурагайлаш жараёнида она сифатида ишлатилганда реципрок комбинацияларда дурагай кўсак ва тўлик уруғ туғилиши юқори бўлиши асосида унинг филогенетик жиҳатдан маданий навларга яқинлиги аниқланган;

турлараро F₂ дурагайларда кун узунлигига талабчанлик белгисининг полимер генларнинг нокумулятив таъсирида 15:1 нисбатда ирсийланиши ва ишбу белгининг намоён бўлиши ёввойи *G. darwinii* Watt тури ва ярим ёввойи subsp. *rudérale* f. *parnat* шаклида рецессив, маданий Келажак навида эса доминант генлар билан назорат қилиниши исботланган;

G. hirsutum L. ва *G. barbadense* L. туричи хилма - хилликлари ҳамда *G. darwinii* Watt турларига тегишли бўлган белгиларнинг миқдорий кўрсаткичлари фарқларини, уруғ юзасидаги тукчалар сонининг улуши нафақат уруғ хажми, эпидерма хужайраларининг миқдори ва катталигига ҳамда ҳар бир толачани ўраб турган хужайралар сонига боғлиқ эканлиги аниқланган;

турлараро F₂ ва F₁B₁ ўсимликларида битта кўсакдаги пахта вазни, тола узунлиги ва чиқими, 1000 дона чигит вазни бўйича ижобий трансгрессив рекомбинант шакллr ажратиб олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Magnibracteolata секциясига мансуб *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. туричи ярим ёввойи, маданий - тропик ва маданий - субтропик шакллари ҳамда ёввойи *G. darwinii* Watt турини ўзаро дурагайлаш натижасида турлараро дурагайларининг морфобиологик ва қимматли хўжалик белги-хусусиятларини баҳолаш илмий - амалий асос сифатида хизмат қилган;

гўзанинг турлараро дурагайларида ноёб белги - хусусиятларга эга бўлган рекомбинант шакллар ажратиб олинган ва уларнинг абиотик ва биотик омилларга чидамлилиги аниқланган;

G.hirsutum L. ва *G.barbadense* L. туричи хилма - хилликларини ўзаро ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан филогенетик муносабатлар даражасини белгиловчи ва биоморфологик полиморфизми ҳамда қимматли - ҳўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлигини аниқлашга имкон берувчи схема ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган тажрибалар методик жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг қиёсий таҳлили, қилинган хулосаларнинг илмий ва амалий асосланганлиги, олинган илмий натижаларнинг республика, халқаро илмий анжуманлардаги муҳокамаси ҳамда етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг генетик - селекция статистик таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. туричи хилма - хилликларини ўзаро ва *G.darwinii* Watt тури билан чагиштириш натижасида олинган дурагайларнинг генетик потенциалига баҳо берилганлиги, серҳосил дурагай шакллари олиш имконияти аниқланганлиги; турлараро F_1 , F_2 ва F_1B_1 дурагайларида морфо - ҳўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги хусусиятлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳосилдор, битта қўсақдаги пахта вазни, тола узунлиги ва чиқими юқори кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган ноёб белги хусусиятларга эга бўлган трансгрессив рекомбинант шакллар ажратиб олинганлиги ва улардан бошланғич манба сифатида амалий селекция тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги амалий исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Magnibracteolata* секциясига мансуб айрим полиморф гўза турларининг филогенетик муносабатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

F_1 , F_2 ва F_1B_1 дурагайлари №ФА-Ф5-Т024 «*Gossypium* L. туркумининг полиморф турларининг туричи ва турлараро биохилма-хилликларининг филогенетик қариндошлик даражаси» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида бошланғич манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 23 декабрдаги 4/1255-2940-сон маълумотномаси). Натижада, янги синтетик генотиплар мажмуаси билан бойитилган гўза оила ва тизмаларини яратиш имконини берган;

Magnibracteolata секциясига мансуб айрим полиморф гўза турларини филогенетик муносабатларини белгиловчи схема асосида ҳамда турлараро дурагайлаш натижасида олинган трансгрессив шакллар Республикада

етақчи бўлган «Ѓўза генофонди» ноёб объектга киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 23 декабрдаги 4/1255-2940-сон маълумотномаси). Ушбу дурагай намуналар ғўза генофондини бойитиш билан бир қаторда фундаментал ва амалий лойиҳаларда бошланғич манба сифатида ишлатиш ҳамда электрон базаси ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари келтирилган, объект ва предметларига маълумот берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Magnibracteolata* секциясига мансуб полиморф ғўза турларининг эволюцияси, филогенияси ва систематикасини ўрганиш тарихи, ғўза генетикаси, селекцияси ва анатомияда тўтган ўрни» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикаимиз, МДҲ ва хорижий давлатлар олимларининг ғўза эволюцияси, филогенияси ва систематикасини ўрганиш тарихи, генетикаси, селекцияси ва анатомияси бўйича олинган маълумотлар шарҳи келтирилган.

Magnibracteolata секциясига мансуб полиморф ғўза турларининг анатомик, генетик ва селекцион тадқиқотларида улардан тола узунлиги ва сифат кўрсаткичлари юқори, турли стресс омилларга чидамлилиқ манбаи сифатида фойдаланишга эътибор қаратилган. *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. туричи биохилма-хилликларини ўзаро ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан дурагайлаш, ушбу турларни филогенетик муносабатларини таҳлил қилиш асосида қимматли - хўжалиқ белгиларига эга рекомбинант шаклларни

ажратиб олиш гўза генетикаси селекцион тадқиқотларида долзарб вазифаларидан эканлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «Тажриба ўтказилган жой шароити, тадқиқот манбаи ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда фойдаланилган илмий материаллари, шароитлари ва услублари баён қилинган. Илмий тадқиқот ишлари Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Гўзанинг экспериментал полиплоидияси ва филогенияси лабораторияси ҳамда Андижон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Агробиология факультети Дехқончилик ва ўрмон мелiorацияси кафедрасида бажарилган.

Иزلанишларда *Magnibracteolata* секциясига мансуб полиморф *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. турларининг туричи хилма - хилликлари ва *G.darwinii* Watt турини турлараро дурагайлаш натижасида олинган F_1 - F_2 ва F_1B_1 ўсимликлари фойдаланилган. Тадқиқотларда турлараро ҳамда бекросс дурагайлаш усулларида фойдаланилган. Бошланғич манбалар ва F_1 ўсимликларининг чанг дончаларининг ҳаётчанлиги ацетокарминдан фойдаланиб (З.П.Паушева, 1988) бўйича аниқланган. Ота-она шакллари ва F_1 - F_2 , F_1B_1 ўсимликларининг морфобиологик белгиларини ўрганишда солиштирма морфология услуби ҳамда морфобиологик белгиларни аниқлаш бўйича (Н.Лемешев, А.Атланов, Л.Подольная, В.Корнейчук 1989) услубий қўлланмадан фойдаланилган. Биринчи бўғин дурагайларда белгилар бўйича доминантлик даражаси (hp) G.M.Beil, R.E.Atkins (1965), бошланғич манбаларнинг уруғларининг тукланиш хусусияти ва эпидермал юзаси Н.А.Власова (1960) услуби асосида аниқланган. Тадқиқот натижалари Б.А.Доспехов (1985) услуби ёрдамида статистик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «*G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. туричи биохилма-хилликларини ва *G.darwinii* Watt турларини турлараро дурагайлаш, турлараро F_1 , F_2 , F_1B_1 ўсимликларининг алоҳида морфобиологик белгиларининг тавсифи ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги ва ирсийланиши» деб номланган учинчи бобида *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. туричи хилма - хилликлари ва *G.darwinii* Watt турини ўзаро дурагайлаш ва F_0 , F_1 дурагай кўсак ва кўсакларда тўлик уруғ тугилиши фоизи, бошланғич манбалар ва F_1 - F_2 ўсимликларининг морфобиологик тавсифи, улар гулларидаги чангдонлар сони ва чанг ҳаётчанлиги, ўсув даврининг давомийлиги, битта кўсакдаги пахта вазни, тола узунлиги, тола чиқими, 1000 донга чигит вазни каби қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги натижалари таҳлил келтирилган.

G.hirsutum L., *G.barbadense* L. туричи хилма-хилликлари ва *G.darwinii* Watt турини турлараро чапиштириш натижасида олинган 28 та дурагай комбинациясида дурагай кўсак тугилиши ва кўсаклардаги тўлик уруғлар фоизи аниқланди.

Олинган маълумотлар таҳлили *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан яхши чақишишини ҳамда дурагай кўсақлар тугилиши 33,3 – 93,3 % ни, кўсақдаги тўлик уруғлар тугилиши эса 22,2 – 86,0 % ни ташкил этганлигини кўрсатди.

G.hirsutum L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб ёввойи ва рудерал кенжа тур шакллариининг ўзаро чақишиши яъни дурагай кўсақ тугилиши ва кўсақдаги тўлик уруғлар тугилиш фоизи 53,3 - 56,2 % ва 50,7 - 59,5 % га тенг бўлди. Ярим ёввойи subsp.ruderale f.parnat x subsp.mexicanum var.nervosum (Юкатан) комбинациясида кўсақлар тугилиши 56,2 % ни, кўсақдаги тўлик уруғлар тугилиши ҳам нисбатан юқори 50,7 % ни ташкил этган бўлса тескари дурагайда кўсақ ва кўсақдаги тўлик уруғлар тугилиш фоизи 53,3 %; кўсақдаги тўлик уруғ тугилиш 59,5 % ни ташкил этди.

G.darwinii Watt тури ва *G.hirsutum* L. турининг subsp.euhirsutum кенжа турининг *G.darwinii* Watt x «Келажак» нави комбинациясида дурагай кўсақ тугилиши 87,5 - 93,3 %, улардаги тўлик уруғлар тугилиши 62,4 % аниқланди.

Битта кўсақда тугилган тўлик уруғлар фоизи *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. туричи хилма-хилликлари ва *G.darwinii* Watt турида асосан 72,0 - 91,8 %, маданий субтропик «Келажак» навида 91,8 % ни ташкил этган бўлса, *G.darwinii* Watt турида бу кўрсаткич 77,3 % ни ташкил этди.

G.hirsutum L. ва *G.barbadense* L. турларининг ёввойи ва ярим ёввойи кенжа тур шакллариини ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F₁-ўсимликларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари турлича бўлди. Жумладан, subsp.mexicanum var.nervosum (Юкатан) ва subsp.ruderale f.parnat комбинациясининг реципрок дурагайларида бу кўрсаткич 72,8 - 76,4 % ни ташкил этган бўлса, ўзгарувчанлик амплитудаси юқори (50,0 - 93,0 %); вариация коэффициенти ўртача кўрсаткичга (17,1 - 17,4 %) эга эканлиги аниқланди.

G.darwinii Watt ва *G.hirsutum* L. ёввойи кенжа тури subsp.mexicanum var.nervosum (Юкатан) ни ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F₁ реципрок ўсимликларнда битта кўсақдаги тўлик уруғлар тугилиши 75,2 - 77,9 % ни ташкил этди.

Бошланғич манба сифатида танлаб олинган *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. туричи хилма-хилликлари ва *G.darwinii* Watt тури гулидаги чангдонлар сони бўйича бир-биридан деярли кескин фарқ қилмаслиги (117,5-125,5 дона) аниқланди. *G.hirsutum* L. турининг ёввойи subsp.mexicanum var.nervosum (Юкатан) шакли чангдонлар сони бўйича нисбатан паст кўрсаткич (117,5 дона) га эга бўлди.

G.hirsutum L. турининг subsp.euhirsutum «Келажак» нави чангдонлар сони бўйича бошқа туричи шаклларида фарқ қилиши, яъни бу нав гулидаги чангдонлар сони 125,5 дона эканлиги аниқланди. Ярим ёввойи f.parnat шакли чангдонлар сони бўйича юқори кўрсаткичга эгаллигини (122,0 дона) кўрсатган бўлса, маданий тропик subsp.vitifolium f.brasilense

шаклида ушбу белги бўйича бироз паст кўрсаткич (117,0 дона) кайд этилди. *G.darwinii* Watt турида чангдонлар сони бўйича ўхшаш ҳолат кузатилди.

Ghirsutum L. ва *Gbarbadense* L. хилма-хилликлари ҳамда *G.darwinii* Watt турининг гулидаги чанг доначаларининг ҳаётчанлиги юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, 93,9 - 96,9 % ни ташкил этди. Чанг доначаларининг ҳаётчанлиги белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич (96,9 %) «Келажак» навида, нисбатан паст кўрсаткич (93,9 %) *Gbarbadense* L. subsp.vitifolium f.brasilense шаклида кузатилди. *G.darwinii* Watt турида чанг ҳаётчанлиги ҳам юқори, яъни 94,8 % эканлиги аниқланди.

Ghirsutum L. ва *Gbarbadense* L. турларининг ёввойи, рудерал ва маданий тропик шакллари ҳамда ёввойи *G.darwinii* Watt тури фотопериодга ўта талабчан бўлиб, вегетация даври 156,0 - 200,1 кунни ташкил этади. Маданий «Келажак» ва «Сурхон-9» навлари узун кунга мослашган бўлиб, эртапишарлик белгиси билан ажралиб туради ва ўсув даври 114,8 - 115,0 кунни ташкил этди.


Турлараро ёввойи ва ярим ёввойи шаклларини ўзаро дурагайлаш асосида олинган F_1 -ўсимликларида тезпишарликнинг ирсийланиши бўйича турлича натижалар кузатилди. Ўрганилган реципрок комбинацияларида ўсув даври 158,0 - 165,0 кунни ташкил этган бўлса, ўзгарувчанлик амплитудаси юқори эмас, вариация коэффициенти шунга мос равишда 2,2-3,8% ни ташкил этди. F_1 subsp.mexicanum var.nervosum (Юкатан) х subsp.ruderale f.parnat комбинациясида ўсув даври 158,0 - 165,0 кун бўлиб, оралик доминант ҳолатда ирсийланиш ($h_p=0,9$; $h_p=0,6$) кузатилди. Таҳлил қилинаётган гуруҳ реципрок комбинацияларига натижаларига назар солсак, дурагайларнинг ўсув даврининг давомийлиги ёки тезпишарлиги оналик сифатида қатнашган шаклнинг хусусиятига боғлиқлигини кўраимиз. *Ghirsutum* L. ва *Gbarbadense* L. турларига мансуб ярим ёввойи х маданий - тропик, ярим ёввойи х маданий - субтропик, маданий - тропик х ярим ёввойи, ярим ёввойи х маданий - тропик, маданий - тропик х маданий - тропик, маданий - тропик х маданий - субтропик, маданий - субтропик х ярим ёввойи, маданий - субтропик х маданий - тропик гуруҳларига мансуб комбинацияларининг F_1 ўсимликларида ўсув даври белгиси бўйича ижобий оралик, салбий оралик ва салбий ўта доминант ҳолатидаги ирсийланиш кузатилди. Масалан, F_1 subsp.ruderale f.parnat х subsp.paniculatum комбинациясининг вегетация даври 156,6 кунни ташкил этиб, ирсийланишда ижобий оралик ($h_p=0,9$) ҳолати кузатилди, яъни кечпишар шакл эканлиги аниқланди.

Битта кўсақдаги пахта вази белгиси бўйича олинган кўрсаткичларнинг таҳлили асосида *G.darwinii* Watt ва *Ghirsutum* L. турининг ёввойи subsp.mexicanum var.nervosum (Юкатан) шакли майда кўсақли (1,1 г; 1,9 г.), *Gbarbadense* L. хилма - хилликларидан ярим ёввойи f.parnat, subsp.vitifolium f.brasilense шакллари эса ўртача йирикликдаги (2,0-2,3 г.) кўсақларга эга эканлиги аниқланди. Маданий - тропик шакл

subsp. *paniculatum* ва «Келажак» ва «Сурхон-9» навларига битта кўсақдаги пахта вази 3,4-5,8 г ни ташкил этди (1-расм).

* Ғузанинг битта кўсақдаги пахта вази белгисини кўрсаткичларининг таҳлили турли биологик гуруҳларга мансуб *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турларининг ёввойи, ярим ёввойи, маданий - тропик, маданий - субтропик шаклларини дурагайлаш асосида олинган F₁-ўсимликларида бу белгининг ирсийланиши турлича кечишини кўрсатди.

Турлараро маданий - тропик x ярим ёввойи, маданий - тропик x маданий - тропик, маданий - тропик x маданий - субтропик гуруҳларига мансуб F₁-ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вази белгиси ўта доминантлик ҳолатида ирсийланиши кузатилди. Маданий - тропик шакллар subsp. *paniculatum* ни subsp. *vitifolium* f. *brasiliense* билан реципрок комбинацияларида битта кўсақдаги пахта вази 4,5-5,1 г ни ташкил қилиб, белги ўта доминантлик $h_r=3,0$; $h_p=4,0$ ҳолатида ирсийланди.




1-расм. Бошланғич шакллар ва турлараро F₁-F₂ ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вази белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.

G. hirsutum L. ва *G. barbadense* L. турларига мансуб шаклларни дурагайлаш натижасида олинган турлараро F₂ ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вази белгиси бўйича гетерозис кўрсаткичлари нафакат сақланиб қолиши, шу билан бирга, ошиши аниқланди. F₂ ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вази белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами 6 та синфни камраб олди. Маданий ва ярим ёввойи шаклларни қайта дурагайлаш, яъни бекросс дурагайлаш олиб борилди. Турлараро F₁B₁ («Келажак» x *f. parnat*) x «Келажак» комбинациясида битта кўсақдаги пахта вази кўрсаткичининг бироз пасайиши кузатилди. Таҳлил қилинган турлараро комбинацияларда битта кўсақдаги пахта вази бўйича ўнг томонли трансгрессив ўзгарувчанлик ва ушбу рекомбинант шакллар генетик-селекцион нуктаи назаридан аҳамиятли эканлиги намоён бўлди. Бу эса амалий селекция жараёнида ёввойи, ярим ёввойи, маданий - тропик шакллар иштирокида олинган дурагайлардан янги ирсий жиҳатдан бойитилган оида, тизма ва навлар яратишда кенг фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Ghirsutum L. va *Gbarbadense* L. турларининг туричи хилма-хилликларининг ҳамда ёввойи *G.darwinii* Watt турининг тола узунлиги белгисини ўрганиш натижасида юқори кўрсаткич, кутилганидек, маданий «Сурхон-9» (39,0 мм), «Келажак» (35,7 мм) навларида аниқланди, *G.darwinii* Watt тури эса пастроқ кўрсаткич (30,5 мм) намоён этди. *Ghirsutum* L. subsp.*paniculatum* кенжа турида тола узунлиги 30,0 мм ни ташкил этди. Тола узунлиги белгисининг паст кўрсаткичлари (19,4 - 26,0 мм) ярим ёввойи шаклларда, жумладан энг паст кўрсаткич эса *f.parnat* (19,4 мм) шаклида қайд этилди (2-расм).

Турлараро *Ghirsutum* L. va *Gbarbadense* L. турларининг ёввойи х ярим ёввойи, ёввойи х маданий тропик шаклларини ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F₁ ўсимликларда тола узунлиги белгиси бўйича юқори натижалар кузатилиб, ушбу гуруҳдаги реципрок комбинацияларда ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди. Масалан, subsp.*mexicanum* var.*nervosum* (Юкатан) х subsp.*ruderale* *f.parnat* комбинациясида тола узунлиги 28,3 мм, ўзгарувчанлик амплитудаси 22,0-35,0 мм, вариация коэффиценти 15,3% ни ташкил этиб, белги ўта доминантлик (hp=3,3; hr=4,0) ҳолатида ирсийланди.



2-расм. Бошланғич шакллар ва турлараро F₁-F₂ ўсимликларида тола узунлиги белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.

Турлараро шаклларни ярим ёввойи х ярим ёввойи, ярим ёввойи х маданий - тропик схемаларида ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F₁ ўсимликларида тола узунлиги белгиси ота-она кўрсаткичларига нисбатан ўта доминант ҳолатда ирсийланиши кузатилди. Ярим ёввойи х маданий - тропик гуруҳига мансуб F₁ subsp.*punctatum* х subsp.*vitifolium* f.*brasileense* комбинациясида тола узунлиги 32,0 мм, ўзгарувчанлик амплитудаси 28,0-36,0 мм. ни ташкил этиб, белгининг ўта доминантлик (hp=11,9) ҳолатида ирсийланиши қайд этилди.

Турлараро F₂ ўсимликларида тола узунлиги кўрсаткичи таҳлил қилинди. Тола узунлиги белгисининг кўрсаткичи бошланғич манба бўлган subsp.*ruderale* *f.parnat* шаклида 19,4 мм, маданий «Келажак» навида эса 35,7 мм ни ташкил этди. F₂ ўсимликларида тола узунлигининг гетерозис ҳолатидаги кўрсаткичлари нафақат сақланиб қолиши, шу билан бирга ошиши аниқланди. Жумладан, *f.parnat* х «Келажак» комбинациясининг F₁


авлодида тола узунлигининг ўртача кўрсаткичи 29,8 мм ни, F₂ авлодида эса 28,9 мм ни ташкил этди. F₂ ўсимликларда трансгрессив ўзгарувчанлик қайд этилиб, таҳлил қилинган 195 та ўсимликлар орасидан тола узунлиги кўрсаткичи 32,0-33,9 мм бўлган 13 та шакл ва тола узунлиги кўрсаткичи 34,0-39,9 мм ли 8 та шакл ажратиб олинди.

F₁V₁ ўсимликларида тола узунлиги белгисининг ўртача кўрсаткичининг бироз пасайиши кузатилаган бўлсада, юқори натижалари сақланиб қолди. F₁V₁ (*f.parnat* x «Келажак») x «Келажак» комбинациясида тола узунлиги белгиси 30,0 мм, вариация коэффиценти эса 10,1 % эканлиги қайд этилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили бошланғич манбаларда тола чикими белгисининг ҳар хил эканлигини кўрсатди. Ўрта толали «Келажак» ва ингичка толали «Сурхон-9» навларида белгининг кўрсаткичи юқори бўлиб, 37,5 - 33,0 % эканлиги қайд этилди. *G.darwinii* Watt турида эса тола чикими 26 % ни, *G.barbadense* L. subsp.*ruderale* *f.parnat* шаклида эса 30,2 % ни ташкил этди (3-расм).

G.hirsutum L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб ёввойи ва ярим ёввойи кетжа тур вакилларини чапиштириш натижасида олинган F₁ реципрок дурагайларида тола чикими асосан салбий ва ижобий оралик ҳолатда ирсийланиши кузатилди.

Турлараро ёввойи x маданий субтропик, ярим ёввойи x ярим ёввойи гуруҳларга мансуб F₁-ўсимликларида тола чикими ижобий ва салбий оралик ҳамда салбий ўта доминант ҳолатларида ирсийланди. Жумладан, турлараро subsp. *punctatum* x subsp.*ruderale* *f.parnat* тўғри дурагайида тола чикими 26,4 %, ўзгарувчанлик амплитудаси 24,7 - 28,6 %, вариация коэффиценти 5,4 % ни ташкил этиб, белги салбий ўта доминантлик (hp=0,2) ҳолатида ирсийланган бўлса, тескари subsp.*ruderale* *f.parnat* x subsp.*punctatum* дурагайида ижобий оралик (hp=0,05) ирсийланди.



3-расм. Бошланғич шакллар ва турлараро F₁-F₂ ўсимликларида тола чикими белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.

F₂ «Келажак» x *f.parnat* комбинациясида тола чикими бўйича F₁ ўсимликларга нисбатан бироз ўсиш кузатилади. Тола чикими бўйича ўртача кўрсаткич 28,7% ни ташкил этди. F₂ ўсимликларда трансгрессив ўзгарувчанлик қайд этилиб, улар белги кўрсаткичи бўйича 6 та синфга

ажратилди. Таҳлил қилинган 195 та ўсимликлар орасидан тола чикими кўрсаткичи 36,0-38,0 % бўлган 14 та ва тола чикими 39,0-41,0 % бўлган 7 та шакллар ажратиб олинди. Ушбу дурагайлarning беккросс авлодларида бу кўрсаткичлар сақланиб қолди. F_1B_1 («Келажак» x *f.parnat*) x «Келажак» комбинациясида тола чикими белгисининг ўртача кўрсаткичи 31,7 % ни ташкил этди.

Тадқиқот маълумотлари асосида бошланғич манбалар 1000 дона чигит вази белгиси бўйича бир-биридан кескин фарқ қилиши аниқланди. Маданий субтропик *subsp.euhirsutum* «Келажак» навининг чигити йирик (121,0 г) бўлган бўлса, *G.hirsutum* L. *subsp.mexicanum* var.*nervosum* (Юкатан), *G.hirsutum* L. *subsp.paniculatum* ва *G.barbadense* L. *subsp.ruderales f.parnat* шаклларида эса 1000 дона чигит вази паст бўлиб, мос равишда 60,5 г; 80,4 г. ва 92,2 г. ни ташкил этди. Ўрганилган бошқа шаклларда 1000 дона чигит вази 102,8 г. дан 116,0 г. гача оралиқда бўлди.

Маданий - тропик x ярим ёввойи, маданий - тропик x маданий - тропик, маданий - субтропик x ярим ёввойи, маданий - субтропик x маданий - тропик, маданий - субтропик x маданий - субтропик схемаси бўйича *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. туричи хилма - хилликларини турлараро дурагайлаш натижасида олинган F_1 -ўсимликларда 1000 дона чигит вази белгиси тўлиқ доминантлик ва ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланди. Жумладан, «Келажак» ва «Сурхон-9» навларининг реципрок дурагайлари 1000 дона чигит вази белгиси бўйича ота-она навларига нисбатан юқори кўрсаткичларни намоён қилдилар, яъни 1000 дона чигит вази 135,6 - 140,8 граммни ташкил этиб, белги ўта доминантлик ($hp=6,8$; $hp=8,9$) ҳолатида ирсийланди.

F_2 ўсимликларида 1000 дона чигит вази 90,4 г. дан 95,8 г. гача бўлганлиги ушбу белги кўрсаткичларининг пасайганлигидан далolat беради. Масалан, турлараро F_2 «Келажак» x *subsp.ruderales f.parnat* дурагайида ўрганилаётган белги бўйича ўртача кўрсаткичнинг камайиши кузатилиб, 90,4 граммни, ўзгарувчанлик қўлами 6 та синфни, вариация коэффициентини эса 19,2 % ни ташкил этди. 1000 дона чигит вази белгиси бўйича таҳлил қилинган ўсимликларнинг энг кўп фоизи (28,7 %) 90,0 - 99,0 грамм кўрсаткичи модал синфларга тўғри келди. Ушбу комбинацияда ҳам бошланғич манбаларнинг чигит вазиандан кичик бўлган дурагай ўсимликларининг ажралиши кузатилди.

F_2 - ўсимликларида 1000 дона чигит вази белгиси бўйича ўртача кўрсаткичларининг F_1 ўсимликларига нисбатан пасайиши кузатилган бўлсада, уларнинг орасидан чигитининг вази 110,0 - 119,0 грамм бўлган трансгрессив шакллар ажратиб олинди.

G.hirsutum L. турининг маданий - субтропик «Келажак» шакли *G.barbadense* L. турининг ярим ёввойи шакли билан дурагайлаш натижасида олинган F_1B_1 - ўсимликларда 1000 дона чигит вази 90,4 граммни ташкил этди ва белгининг бўйича кўрсаткичи ота-она шаклларига яқинлиги аниқланди. Турлараро F_1B_1 («Келажак» x *subsp.ruderales f.parnat*)

х «Келажак» нави комбинациясида 1000 дона чигит вазнининг ўрғача кўрсаткичи пасайиб ўзгарувчанлик кўлами 4 синфни, вариация коэффиценти эса 21,3 % ни ташкил этди.

Диссертациянинг «*Magnibracteolata* секциясига мансуб *Ghirsutum* L. ва *Gbarbadense* L. туричи биохилма-хилликлари ва *Gdarwinii* Watt турини турлараро дурагайлаш асосида олинган $F_1 - F_2$, F_1B_1 ўсимликларининг қимматли-хўжалик ва айрим морфобиологик белгиларининг ирсийланиши ва бошланғич мабдаларнинг анатомик таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида $F_1 - F_2$, F_1B_1 дурагайларида айрим белгиларнинг ирсийланиши ва ота-она шакллариининг анатомик таҳлили берилган.

